

THE ROLE OF ECONOMY AND SPIRITUALITY IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY

**Ashurov Sherzod Rakhimovich,
Bukhara State Tax Department**

Abstract. This article analyzes how the development of the society is based on two main important sectors as economy and spiritual development of the people. In recent years, in Uzbekistan both sides of society are taken into great consideration and they serve improving living standards of people.

Key words. Spirituality, development, economy, society, spiritually developed person

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича чиқарган қарорлари асосини жамиятимизда етук маънавиятли инсонларни тарбиялаш ва шу орқали кучли иқтисодиётга ўтиш, давлат ривожига кўмакчи бўла оладиган қатламни шакллантириш муаммолари ташкил қилади.

– Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, – деди Президентимиз нутқида. – Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият.

Дарҳақиқат, кучли иқтисодиётга ўтишнинг асосий тамойили кучли жамиятни ярата олишдир. Бугунги кунда янгича тафаккур, ижодий фикрлаш, юксак маданиятли шахсни шакллантириш жамиятимиз олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Жамият тараққиёти инсоннинг маънавий, маърифий ва илмий соҳалардаги савияси, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ғоявий, касбий етуқлиги билан узвий боғлиқ.

Кейинги йилларда жамиятимизда маънавият соҳасида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Бу албатта, вақт ўтиб, ёшларнинг муайян даражадаги интеллектуал салоҳиятини ошишига, ҳаётимизда ижобий натижаларга олиб келади.

Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига барча раҳбарлар алоҳида эътибор қаратмоқда. “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктирилиши маълум қилинди. Шунингдек, Бухоро вилояти ва шаҳар нурунийларини тарбияси оғир, ишсиз ёшларга кўмаклашиш бўйича ташаббус билан чиқишди.

Маънавий баркамолликка интилган инсон аввало ўзлигини англаб етиши керак, ўзликни англаш эса ватанпарварлик, фидойилик, жонкуярлик, меҳр-шафқат ва виждонлилик тамойилларига асосланади. Бу тушунчалар қалбида жо бўлган ҳар қандай инсон эса ҳеч қачон ёмонлик, ёвузлик йўлини танламайди.

– Агар кимдир, маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир, – деди Президент. Президентимиз таъкидлаганларидек, маънавият масаласи барчанинг, ҳоҳ у иқтисодчи бўлсин, ҳоҳ қишлоқ хўжалиги ходими, барча учун бир хил муҳим масала ва етуклик рамзи бўлиши керак. Зеро, ҳар қандай кучли жамият ўзагини кучли иқтисодиёт ва кучли маънавият ташкил қилади.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Akhmedova Mekhrinigor Bakhodirovna. “‘SPIRITUALITY’ LANGUAGE CATEGORY AND ITS CONTENT”. Middle European Scientific Bulletin, vol. 6, Nov. 2020, pp. 57-59, doi:10.47494/mesb.2020.6.115.
2. M.B. Akhmedova. GENETIC AND STRUCTURAL SPECIFICATIONS OF THE SPIRITUALITY NOMINATIVE UNITS IN THE UZBEK LANGUAGE. Theoretical & Applied Science, Vol.10, 2018. - P.331-333
3. Rakhmonova D.M. Introducing innovations in The Preschool Education System With Talented Children. Middle European scientific bulletin, ISSN 2694-9970.
4. Rakhmonova D.M. Ways to determine talented children in preschool education Academicia: ISSN: 2249-7137 vol. 10, issue 11, november 2020 impact factor: sjif 2020 = 7.13